



Depending on the Width of the Generating Polynomial. // В сборнике: CEUR Workshop Proceedings. Proceedings of Models and Methods of Information Systems Research Workshop 2020. St. Petersburg, 2020. С. 129-135.

11. Карлибаева Р.Х., Карлибаева Г.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ривожлантириш// Архив научных исследований 4 (1).

Ашууров Зуфар Абдуллоевич

*Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш
марказининг директор ўринбосари*
zufara@mail.ru

Ахмедов Шарофиддин Шодимуродович

*Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат
иштирокидаги корхоналар бошқарув ва назорат органларини шакллантириш бошқармаси
бошлиги*

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилишда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) жорий этиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Хусусан, ҳудудлар ва соҳалар кесимида АЖ, МЧЖ ва ДУК шаклидаги давлат иштирокидаги корхоналар сони, вазирлик ва идоралар мулкдор функциясини бажараётган давлат иштирокидаги корхоналар сони таҳлил қилинган, шунингдек уларда МҲХС жорий қилиниш даражаси ва муаммолари ўрганилган. Мақола сўнггида корхоналарда МҲХС ни жорий этишда муаммо ва камчиликларни бартараф этиши мумкин бўлган чора-тадбирлар муаллифлар томонидан шакллантирилган.

Калит сўзлар: давлат иштирокидаги корхона, давлат улуши мавжуд корхона, трансформация, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш ва бу жараёни янада мустаҳкамлашда миллий амалиётни халқаро стандартларга уйғунлаштириш муҳим роль ўйнайди. Айниқса, хорижий инвесторларни иқтисодиётимизга жалб қилиш, уларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтиришда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан, ҳукуматимиз томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бир қатор давлат иштирокидаги корхоналарнинг МҲХСга ўтиши, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши [1] белгиланган.

Бугунги кунда бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори [2] билан “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегияси” тасдиқланиб, унга мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарни трансформациялаш жараёнида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини амалга ошириш орқали давлат иштирокидаги корхоналарнинг шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, 2022 йил 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони 2144 тани ташкил этиб, шундан 231 таси акциядорлик жамиятлари, 871 таси масъулияти чекланган жамият ва 1042 таси давлат унитар корхоналари ҳисобланади (1-жадвал). Ушбу корхоналарнинг 106 тасида давлат улуши 25 фоиздан кам, 119 тасида 25

фоиздан 50 гача (50 фоиз кирмаган) ва қолган 1 919 тасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ ҳисобланади. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 304 таси тугатиш жараёнида, 143 таси фаолиятсиз, 85 таси тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотилган, 17 тасига нисбатан банкротлик таомили қўлланилган, 10 таси бошқа юридик шахслар устав капиталига берилиши белгиланган, 1586 таси фаолият юритаётган корхоналар ҳисобланади.

1-жадвал

**Давлат иштирокидаги корхоналар сони, ҳудудлар кесимида
(01.01.2022 й. ҳолатида)**

Ҳудуд	Корхона сони	АЖ	МЧЖ	ДУК
Қорақалпоғистон Республикаси	89	7	43	39
Андижон вилояти	92	7	53	32
Бухоро вилояти	110	16	47	47
Жиззах вилояти	106	3	57	46
Қашқадарё вилояти	196	14	144	38
Навоий вилояти	83	7	48	28
Наманган вилояти	117	3	68	46
Самарқанд вилояти	122	6	73	43
Сурхондарё вилояти	89	5	57	27
Сирдарё вилояти	80	3	37	40
Тошкент вилояти	174	14	74	86
Фарғона вилояти	109	17	58	34
Хоразм вилояти	97	9	43	45
Тошкент шаҳри	680	120	240	320
ЖАМИ	2 144	231	1 042	871

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида тузилган.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти бозор ва савдо комплекслари, йўл-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика соҳаларида фаолият олиб боради (2-жадвал).

2-жадвал

**Давлат иштирокидаги корхоналар сони, соҳалар кесимида
(01.01.2022 й. ҳолатида)**

№	Тармоқ	Корхона сони	шундан		
			АЖ	МЧЖ	ДУК
1.	Бозор ва савдо комплекслари	559	44	513	2
2.	Йўл-транспорт инфратузилмаси	312	9	24	279
3.	Ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика	168	4	52	112
4.	Ҳизмат кўрсатиш	125	5	51	69
5.	Коммунал уй-жой қурилиш ва сув хўжалиги	123	3	23	97
6.	Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш	95	13	57	25
7.	Газета, журнал ва нашриётлар	93	2	47	44
8.	Ахборот технологиялари	72	2	33	37
9.	Савдо	64	10	26	28
10.	Қурилиш	55	4	18	33
11.	Нефт-газ	49	29	20	
12.	Бошқалар	429	106	178	145
	Жами	2 144	231	1 042	871

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида тузилган.

Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, муассис) функцияси 72 та вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади. Хусусан, Давлат активларини бошқариш агентлигида 390 та (18,2 фоиз), Автомобиль йўллари қўмитасида 258 та (12 фоиз), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида 74 та (3,4 фоиз), Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 48 та (2,2 фоиз), Молия вазирлигида 44 та (2,0 фоиз), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида 39 та (1,8 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлигида 38 та (1,7 фоиз) ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида 846 та (39,5 фоиз) давлат иштирокидаги корхоналар мавжуд (шундан энг кўпи Тошкент шаҳар ҳокимлигида 135 та, Қашқадарё вилояти ҳокимлигида 112 та) (3-жадвал).

3-жадвал

**Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, муассис)
функциясини бажараётган вазирлик ва идоралар (01.01.2022 й. ҳолатида)**

№	Вазирлик ва идоралар	Корхона сони	шундан		
			АЖ	МЧЖ	ДК
1	Давлат активларини бошқариш агентлиги	390	123	249	18
2	Автомобиль йўллари қўмитаси	258	1	7	250
3	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	74	1	9	64
4	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	48	3	32	13
5	Молия вазирлиги	44	38	3	3
6	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	39		8	31
7	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	38	2	11	25
8	Ҳокимликлар	846	46	596	204
9	Бошқалар	407	17	127	263
	Жами	2 144	231	871	1 042

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида тузилган.

Давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш жараёнида уларда молиявий ҳисоботини МҲХС бўйича тузишга ўтиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон Қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши кўрсатилган.

Шунга кўра, давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида тайёрлаш бўйича ишлар бошланди. Бунда, биринчи навбатда йирик корхоналар ва тижорат банкларнинг ҳисоботлари МҲХС асосида тайёрланиб, улар халқаро аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда аудитдан ўтказилди. Хусусан, ҳозирда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларидан (тижорат банклари билан бирга) 66 тасида ҳисоботлар МҲХС асосида тайёрланган. Шундан, 36 таси йирик корхоналар ва тижорат банклари ҳисобланади. МҲХС асосида тузилган ҳисоботлар корхоналарнинг расмий веб-сайтлари ва Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, давлат иштирокидаги корхоналарда МҲХСни жорий этилишда бир қатор камчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- давлат иштирокидаги корхоналарда МҲХСни жорий этиш учун мавжуд бухгалтерия ҳисоби бўлинмаси штати доирасида МҲХС бўйича мутахассислар штатини кенгайтириш;

- МХХСга ўтиш учун давлат иштирокидаги корхоналарда тегишли ички норматив ҳужжатларни (МХХС буйича ягона ҳисоб сиёсати, лавозим йўриқномалари, функционал мажбуриятлар) қабул қилиш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

- шўба ва алоҳида балансга чиқарилган филиаллари мавжуд бўлган йирик корхоналарда МХХС асосида тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботни халқаро аудиторлик тармоғига кирган аудиторлик ташкилотлари томонидан Халқаро аудит стандартлари (ХАС) талаблари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш;

- МХХС асосида тузилган молиявий ҳисоботларни ва уларнинг аудиторлик хулосаларини ўз корпоратив веб-сайти ёки бошқа ОАВда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.

Шундай қилиб, давлат иштирокидаги корхоналарда МХХСни самарали жорий этиш уларни хорижий инвесторларга сотишда энгиллик ва шаффофликни, ташқи молия бозорларидан маблағлар жалб этиш имкониятини яратади. Бу эса, миллий иқтисодиётимизга кириб келадиган ташқи инвестициялар ҳажмини ошириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, салоҳиятли инвесторлар гуруҳини шакллантириш, дунё микёсида мамлакат нуфузини кўтаришга хизмат қилади.

Фойдаланиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

Djurabaev Otabek Djurabaevich

Assistant professor of Department of Management
Tashkent State University of Economics

EVALUATION OF THE EFFICIENCY OF STANDARDIZATION IN COMPANIES

Abstract. The dissertation examined the theoretical foundations of standardization and certification of the activities of national companies of the Republic of Uzbekistan, as well as an analysis of the implementation of the principles of standardization, certification and product quality control at enterprises, presented the prospects for improving the organization of standardization, certification and quality control at enterprises of the Republic of Uzbekistan.

Key words: factors of production, standardization, specialization, distribution of economic resources, growth in demand, magnitude of demand.

It should be noted that it covers many objects as a regulatory activity. The expansion of standardization objects and their penetration into many areas of economic and social life requires the allocation of a large amount of resources for the development of standardization. But on the other hand, there is a growing need for rational use of resources, full provision of resources for various areas of development of standardization. In such cases, the calculation of the cost-effectiveness of standardization is of particular importance, since the effectiveness depends on many aspects, including:

- Assessing the prospects for the development of alternatives to standardization, i.e. solving important issues of standardization at the macro level;
- the feasibility of using standardization in some recurring event management processes;